O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№




# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2010 йил 17 апрель, № 75 (4990) Шанба


## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ РОССИЯГА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Президент Дмитрий Медведевнинг таклифига биноан 19-20 апрель кунлари расмий ташриф билан Россия Федерациясида бўлади.

Ташриф асносида Ўзбекистон — Россия ҳамкорлигини кенгайтириш масалалари, томонларни қизиқтирган минтақавий ва халқаро аҳамиятга молик муаммолар муҳокама этилади.

Музокаралар якунида икки давлатнинг турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорлигини янада кенгайтиришга қаратилган қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши режалаштирилган.

## Ўзбекистон — Россия: СИНАЛГАН ДЎСТ ВА ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛАР

***Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерацияси ўртасидаги ўзаро муносабатлар сўнгги йилларда барча соҳа ва йўналишларда тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Ўзаро ҳамкорлик муносабатлари халқларимиз ўртасидаги тарихий алоқалар ва анъанавий дўстлик ришталарига асосланади.***

Икки мамлакат ўртасидаги олий ва юқори даражадаги мунтазам учрашувлар Ўзбекистон — Россия муносабатларининг бугунги суръатини яққол ифода қилади. Ҳукуматлар, парламентлар ва идоралараро мулоқотлар ҳамда ишбилармон доира вакиллари форумлари анъанавий характер касб этган. Тенг ҳуқуқлиликка асосланган кўп қиррали ва ўзаро манфаатли ҳамкорлик, ижтимоий-сиёсий, илмий ва маданий йўналишларда икки томонлама тажриба алмашув самарали давом этаётир.

Ўзбекистон — Россия муносабатларининг шартномавий-ҳуқуқий асосини 270 дан зиёд икки томонлама ҳужжатлар ташкил қилади. Давлатлараро муносабатлар асослари, дўстлик ва ҳамкорлик тўғрисидаги, Стратегик шериклик тўғрисидаги, Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги шартномалар, шунингдек, Иқтисодий ҳамкорлик дастури шулар жумласидандир.

Икки томонлама муносабатларнинг энг муҳим йўналиши иқтисодий соҳадаги ҳамкорликдир. Россия Ўзбекистоннинг йирик ташқи савдо ҳамкори саналади. Ўзбекистоннинг умумий ташқи товар айланмасининг бешдан бир қисми Россия ҳиссасига тўғри келади.

2009 йилда икки мамлакат ўртасидаги ўзаро савдо-сотиқ ҳажми 4,5 миллиард АҚШ долларини ташкил этди. Бу 2008 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 4,9 фоиз кўп, демакдир. Экспортнинг асосий йўналишларини табиий газ (39,2 фоиз), мева-сабзавот ҳамда қайта ишланган мева ва сабзавот маҳсулотлари (22,9 фоиз), транспорт ва коммуникация хизматлари (13,8 фоиз), транспорт воситалари (10,3 фоиз), тўқимачилик маҳсулотлари (8,7 фоиз), электр ва механик асбоб-ускуналар (1,7 фоиз) ва бошқалар ташкил этди.

Импорт таркиби эса, асосан, қора ва рангли металл (32,8 фоиз), электр ва механик асбоб-ускуналар (21 фоиз), ёғоч ва ундан тайёрланган буюмлар (14,3 фоиз), хизматлар (5,6 фоиз), транспорт воситаларидан (4,4 фоиз) иборат бўлди.

Инвестицион ҳамкорлик, жумладан, ёқилғи-энергетика комплексида кенг кўламли лойиҳаларни амалга ошириш, геология-қидирув ишларини биргаликда олиб бориш, Ўзбекистон ҳудудидаги углеводород хом ашёсини ўзлаштириш ва транспортировка қилиш мамлакатларимиз ўртасидаги ҳамкорлик алоқаларида устувор аҳамиятга эгадир. Республикамизда Россиянинг «Зарубежнефтгаз» очиқ акциядорлик жамияти («Газпром» очиқ акциядорлик жамияти шўъба корхонаси), «ЛУКОЙЛ» очиқ акциядорлик жамияти, «Союзнефтегаз» давлатлараро нефть компанияси ва бошқа шу каби ташкилотлари муваффақиятли сармоявий фаолият юритиб келаётир.

(Давоми 2-бетда).

### 2010 йил — Баркамол авлод йили



## ВАТАНПАРВАР ВА БАРКАМОЛ ЁШЛАР

### она-Ватанимизнинг бугуни ва келажагини белгилайди

***Мамлакатимизда мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ Президентимиз раҳнамолигида ватанпарвар ва баркамол ёшларни тарбиялаш борасида улкан ишлар амалга оширилмоқда. Бу, ўз навбатида, ҳар томонлама етук, билимли ва малакали кадрларни тайёрлашга хизмат қилаётир.***

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги "Жар" спорт-соғломлаштириш комплекси ҳузуридаги ҳарбийлаштирилган махсус мактаб-интернат ҳам ёшларни соғлом, ватанпарвар, юртга садоқатли инсонлар қилиб тарбиялаш ишига муносиб ҳисса қўшиб келаётган ўқув муассасаларидан биридир.

Бу ерда, асосан, хизмат вазифасини ўташ чоғида ҳалок бўлган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ва ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар фарзандлари таълим оладилар.

— Илм масканимиздаги таълим-тарбия оддий мактабларимизникидан фарқ қилади, — дейди ҳарбийлаштирилган махсус мактаб-интернат директори вазифасини бажарувчи Ансаб Сайдалимов. — Бу ерда миллий истиқлол ғояси, соғлом авлод асослари, қўл жанги, ҳарбий санъат таълими, информатика асослари, инглиз тили фанларидан чуқурлаштирилган тартибда дарслар ўтилади. Ёш курсантлар Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг "Саф", "Ички тартиб" Низомларига амал қиладилар.

А. Сайдалимовнинг айтишича, таълим даргоҳига ҳар йили 6 — 9 синф ўқувчиларидан 50 нафари синов асосида қабул қилинаркан. Бугунги кунда бу ерда 250 нафар ёш курсант таҳсил олмоқда. Уларнинг маданий ҳордиқ чиқариши учун ҳамма шароитлар муҳайё этилган. Мактаб ўз футбол жамоасига ва каратэ клубига эга. Айни пайтда курсантлар спортнинг хоҳлаган тури билан шуғулланишлари мумкин. Катта тажрибага эга 30 нафар педагог, олий тоифали взвод сардорлари, катта тарбиячи, тунги тарбиячилар ҳарбий илмдан дарс беришмоқда.

Махсус мактаб-интернатда ўқув хоналари, иккита спорт зали, замонавий техника воситалари билан жиҳозланган компьютер, хорижий тилларни ўрганиш учун мўлжалланган лингафон хоналари ҳамда кўркам ошхона мавжуд. Улар зарур мебеллар ва турли ўқув-методик қўлланмалар билан таъминланган.

(Давоми 4-бетда).

## ИСТЕЪДОД ВА МАҲОРАТ КАМОЛ ТОПАДИ

***Кеча пойтахтимизда "Янги авлод форуми" болалар ижодиёти марказининг қайта таъмирланган биноси фойдаланишга топширилди.***

Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда сўзга чиққанлар мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида ўғил-қизларнинг баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши, замонавий ўқув даргоҳларида таълим-тарбия олиши учун беқиёс имкониятлар яратилаётганлигини таъкидлашди.

Айтиш жоизки, ушбу марказ "Фонд Форум" томонидан 2007 йилда ташкил қилинган бўлиб, бу ерда ёшларнинг истеъдод қирраларини кашф этиш, иқтидору маҳоратини камол топтириш ва юзага чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Кенг ва ёруғ

### Жараён

хоналар, тўгарак машғулотлари, маънавий-маърифий тадбирлар учун мўлжалланган кўркам зал, ахборот-ресурс маркази, компьютер синфи, дам олиш хонаси ижодкор ёшлар учун қулайлик туғдирмоқда. Марказ 6 ёшдан 16 ёшгача бўлган минг нафардан зиёд ўғил-қизни ўз бағрига олган. Бу ерда болажонлар ахборот-коммуникация технологиялари, шахмат, хорижий тиллар, ўқув фанларининг турли йўналишлари бўйича тўгараклар машғулотларига қатнайди. Эътиборлиси, ўтган даврда марказ ўқувчилари нафақат юртимизда, балки кўплаб хорижий давлатларда ўтказилган халқаро санъат фестиваллари, бадиий ва фотокўргазмалар, концертларда муваффақиятли иштирок этди.

Тадбирда болалар бадиий ижодиёти кўргазмаси ва ёш ижрочиларнинг концерт дастури намойиш қилинди.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Анжуман

***Мамлакатимизда изчил амалга оширилаётган ислоҳотлар самараси бугун иқтисодиётимизнинг барча жабҳаларида кузатилмоқда.***

## Банк ва мижоз: ЎЗАРО МАНФААТЛАР МУШТАРАКЛИГИ

Жумладан, республикамиз тижорат банкларининг умумий капитали сўнгги икки йил ичида 2 баробарга кўпайгани, биргина ўтган йилда давлат томонидан етакчи молия муассасалари низом жамғармасини ошириш учун қўшимча равишда 500 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилгани бунга яққол мисол бўла олади. Бундай ижобий ўзгаришларга жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида эришилаётгани, айниқса, қувонарлидир.

Буларнинг бари юртимизда истиқлолнинг дастлабки йилларидан бошлаб банк-молия тизимини ислоҳ қилиш, уларнинг замон талаблари даражасида фаолият юритишларини таъминлаш борасида амалга оширилаётган ишлар, шунингдек, Президентимизнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" китобида кўрсатилган йўл-йўриқлар ҳамда Инқирозга қарши чоралар дастурида белгилаб берилган вазифаларнинг ҳаётий ифодасидир.

(Давоми 2-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

**2010 йил 16 апрелда Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг жорий йил биринчи чорагидаги якунлари кўриб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан республика ҳукуматининг 2010 йил 29 январдаги мажлисида белгилаб берилган 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастурининг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини сўзсиз таъминлаш чора-тадбирлари ишлаб чиқилди.**

Мажлисда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг асосий кўрсаткичлари, макроиқтисодий мувозанатликни, иқтисодиётни юксалтиришнинг барқарор суръатларини таъминлаш, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим инвестиция лойиҳалари амалга оширилишини жадаллаштириш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирларнинг самарадорлиги ҳар томонлама кўриб чиқилди ва чуқур таҳлил қилинди.

Қайд этиб ўтилдики, иқтисодиётни таркибий қайта ўзгартириш ва диверсификациялаш дастурларининг, 2009 — 2012 йилларга мўлжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури тадбирларининг тизимли ва изчил амалга оширилиши туфайли нафақат жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози салбий таъсирининг олдини олиш, балки макроиқтисодий барқарорлик, иқтисодий ўсишнинг юқори ва барқарор суръатлари ҳам таъминланмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 7,6 фоизни ташкил этди, саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми 7 фоизга, шу жумладан, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,9 фоизга, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳажми 6,1 фоизга, хизматлар кўрсатиш ҳажми 12,2 фоизга, қурилиш ишлари ҳажми 20,1 фоизга кўпайди. Давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,2 фоиз миқдорида профицит билан ижро этилди, инфляция даражаси прогноз кўрсаткичларидан ошмади.

Экспорт салоҳиятини кенгайтириш ва мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари маҳсулотларини янги ташқи бозорларга чиқариш юзасидан амалга оширилаётган тизимли ишлар экспорт ҳажмларининг 22,1 фоизга ўсишини ва ташқи савдо айланмаси бўйича салмоқли ижобий сальдога эришишни таъминлади.

Жорий йилнинг биринчи чорагида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 2,6 баравар кўп ўзлаштирилди. Техник жиҳатдан модернизациялаш бўйича 29 та лойиҳани амалга ошириш тугалланди, 118 та янги ишлаб чиқариш объекти фойдаланишга топширилди.

Кун тартибидаги масалаларни муҳокама қилиш жараёнида саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажмлари кўпайишини таъминлайдиган стратегик жиҳатдан муҳим инвестиция лойиҳаларини ўз вақтида амалга ошириш бўйича ишларнинг натижадорлигини таҳлил қилишга алоҳида эътибор қаратилди. 2010 йилда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлашга доир 418 та лойиҳа бўйича объектларнинг фойдаланишга топширилиши мўлжалланганлиги таъкидлаб ўтилди.

Ноозиқ-овқат истеъмол товарларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш, улар билан ички истеъмол бозорини тўлдириш чора-тадбирлари дастурини амалга ошириш масалалари ҳар томонлама таҳлил қилинди. Қайд этиб ўтилдики, мамлакатимиз товар ишлаб чиқарувчиларига берилган солиқ ва божхона имтиёзлари ҳамда преференциялари, тижорат банклари томонидан иқтисодиётнинг реал соҳасига йўналтирилган кредит қўйилмаларининг ўсиши туфайли жорий йилнинг биринчи чорагида истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 8,9 фоизга, шу жумладан, ноозиқ-овқат истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажми 9 фоизга кўпайди.

Мажлисда муҳокама қилиш давомида «Ўзбекенгилсаноат» давлат-акциядорлик компанияси раҳбарлари фаолиятига танқидий баҳо берилиб, улар зиммасига республика енгил саноатини янада ривожлантириш, шу жумладан, сифатли, рақобатбардошли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳажмларини кўпайтириш, экспорт ассортиментини кенгайтириш, янги истиқболли бозорларни излаш, тармоққа тўғридан-тўғри инвестицияларни ва замонавий технологияларни жалб этиш бўйича вазифалар юкланди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш ҳамда шу билан боғлиқ бўлган аҳоли даромадларини кўпайтириш ва ҳаёт сифатини яхшилаш муаммоларини ҳал этиш энг муҳим ва асосий вазифалар жумласидандир. Шу муносабат билан мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ва Қонунчилик палатаси томонидан тасдиқланган 2010 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурининг амалга оширилиши муфассал таҳлил қилинди.

(Давоми 2-бетда).

## ПУХТА, ИЗЧИЛ ВА САМАРАЛИ ИСЛОҲОТЛАР

### инқирозга қарши мустаҳкам ҳимоя тизимини яратди

***Тошкент шаҳрида бўлиб ўтган "Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)" мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференция дунё ҳамжамиятининг диққат марказидаги муҳим тадбирга айланди, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз. Сабаби, халқаро анжуман фақат дунёнинг 46 давлатидан ташриф буюрган 400 нафардан ортиқ нуфузли халқаро ташкилотлар вакиллари, олимлар, таҳлилчи ва экспертларни жамлабгина қолмасдан, балки жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан кам талафот кўриш, истиқболдаги ривожланиш стратегияларини ишлаб чиқишга катта туртки берди. Иштирокчиларнинг эътироф этишича, бундай нуфузли тадбирлар доирасида қабул қилинаётган чора-тадбирлар ислоҳотларнинг ўзаро уйғунлигига хизмат қилади.***

### СЎЗ — КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИГА

**Фредирек ЖОУТЦ, Жорж Вашингтон номидаги университетнинг Прогнозлаш бўйича тадқиқотлар дастури раҳбари, профессор (АҚШ):**

— Дунё иқтисодчилари жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозидан Ўзбекистон ва Хитойни энг муваффақиятли чиққан давлатлар сифатида эътироф этишмоқда. Дарҳақиқат, шундай. Буни нафақат мамлакатингиздаги барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари, балки аҳолининг бугунги фаровон турмуш тарзи ҳам яққол кўрсатиб турибди. Тошкент шаҳрида бўлганимда, бунга яна бир карра ишонч ҳосил қилдим.

Мутахассис сифатида юртингизда банк тизими, хусусан, пул-кредит муомаласи бўйича пухта ўйланган сиёсат юритилаётганини юқори баҳолайман. Чунки мамлакат иқтисодий барқарорлигини, кўп жиҳатдан, бу борадаги стратегия белгилаб беради. Анжуманда ривожланишнинг "ўзбек модели"ни акс эттирадиган шу каби ўзига хос жиҳатлар билан танишиб, ўзимизга зарурларини олдик. Фурсатдан фойдаланиб, тадбирнинг юқори савияда ташкил этилганидан мамнунлигимни изҳор қиламан.

**Георгис ПАВЛИДИС, иқтисод фанлари доктори, профессор (Греция):**

— Президент Ислом Каримов раҳнамолигида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурини ўрганиб, ўзим учун қимматли маълумотлар олдим ва мамлакатингиз иқтисодиёти глобал муаммодан юқори даражада ҳимоя қилинганига амин бўлдим.

Менинг фикримча, бу дастур — келажак дастури. Чунки у бир марталик ёки ҳозирги мураккаб молиявий-иқтисодий инқироз шароитига мўлжалланган чора-тадбирларнигина эмас, балки узоқ даврга мўлжалланган устувор йўналишларни қамраб олган, истиқболда аниқ қарорлар қабул қилишга хизмат қиладиган мажмуавий дастур ҳамдир.

Мамлакатингиз раҳбарияти юқори малакали кадрлар тайёрлашга йўналтирилган таълим тизимига, фармацевтика, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, банк-молия каби соҳалар ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқда. Мени бу жуда қизиқтириб қўйди. Негаки, ҳозирги инқироз шароитидан талафотсиз чиқиб кетишда Ўзбекистон қўллаётган айни шу оқилона йўл юксак самара бераяпти. Шу маънода, бу ерда тўпланган тажрибалардан фойдаланиш ҳар томонлама мақсадга мувофиқдир.

(Давоми 2-бетда).

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Қайд этиб ўтилдики, тизимли ва аниқ мақсадга йўналтирилган чора-тадбирлар амалга оширилиши натижасида жорий йил бошидан буён республикада 215,4 мингта янги иш ўрни ташкил этилди, шундан 150,1 мингтадан кўпроғи ёки қарийб 70 фоизи қишлоқ жойларда ташкил этилди.

Касаначиликни ва халқ ҳунармандчилигини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар жорий йилнинг биринчи чорагида қўшимча равишда 53,1 мингта иш ўрни ташкил этилишини таъминлади.

Муҳокама давомида янги иш ўринлари ташкил қилиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги мавжуд захираларни сафарбар этиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди. Касаначиликни, энг аввало, саноат корхоналари билан кооперациялашув асосида ривожлантириш, жорий йилнинг биринчи чорагида 135,4 мингта иш ўрни ташкил этилишини таъминлаган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳаси ривожланишини янада қўллаб-қувватлаш бўйича ишларни кучайтиришнинг муҳимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди.

Мажлисда мамлакатимизда соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш учун зарур шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган "Баркамол авлод йили" Давлат дастури тадбирларининг амалга оширилиши муҳокамасига алоҳида эътибор қаратилди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида Давлат дастури тадбирларини амалга оширишга 1,4 триллион сўм ва 25,4 миллион АҚШ доллари йўналтирилди.

Оналарнинг репродуктив саломатлигини ва болаларни ҳимоя қилишни янада яхшилаш, устувор равишда профилактикавий соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш, соғлом авлодни шакллантиришга йўналтирилган чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Таълим муассасалари ва болалар спорти объектларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, давлат таълим стандартлари, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий адабиётни такомиллаштириш бўйича ишлар давом эттирилмоқда.

Ўқув жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогик технологияларни кенг жорий этиш, шу жумладан, 1551 та мактабни компьютер техникаси билан, шунингдек, қишлоқ жойлардаги 316 та мактабни ўқув-лаборатория анжомлари билан жиҳозлаш бўйича ишлар амалга оширилмоқда.

Жорий йилнинг биринчи чорагида ёшлар учун 106,8 мингта янги иш ўрни ташкил этилди. Ёш оилаларнинг тураржой шароитини яхшилаш мақсадида уларга 23,8 миллиард сўм миқдоридаги имтиёзли ипотека кредитлари ажратилди.

Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Республика Маънавият тарғибот маркази раҳбарларининг эътибори қатъий маънавий-ахлоқий эътиқодга ва уйғун дунёқарашга эга бўлган, четдан бўладиган ғоявий ва маънавий таҳдидларга, онгига ёт таъсирларга қарши туришга қодир бўлган ёшларни тарбиялашга доир ишларни янада кучайтириш муҳимлигига қаратилди.

Шу билан бир қаторда, вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари раҳбарлари зиммасига Давлат дастурида назарда тутилган ҳар бир тадбирнинг амалга оширилишини жадаллаштириш юзасидан аниқ вазифалар юкланди.

Кун тартибидаги масалалар юзасидан вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари ва республикадаги йирик корхоналар ҳамда вилоятлар ҳокимликлари раҳбарлари сўзга чиқдилар. Республика ҳукумати мажлиси кун тартибига киритилган масалаларни муҳокама қилиш якунлари бўйича тегишли қарорлар қабул қилиниб, уларда 2010 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари амалга оширилишини таъминлаш чора-тадбирлари белгиланди.

**(ЎзА).**

# ПУХТА, ИЗЧИЛ ВА САМАРАЛИ ИСЛОҲОТЛАР

## инқирозга қарши мустаҳкам ҳимоя тизимини яратди

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Аршод Ҳамид АББОСИЙ, БМТ Тараққиёт дастурининг Покистондаги ваколатхонаси бош консультанти:**

— Президентингизнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асари ҳамда Инқирозга қарши чоралар дастурини катта қизиқиш билан ўрганиб чиқдим. Улар асосида изчилислоҳотлар юритилаётгани мамлакатингиз ривожига хизмат қилаётганига Тошкентда ўзим гувоҳ бўлдим. Инвестиция дастурини амалга ошириш, иқтисодиётда таркибий ўзгаришларни давом эттириш, ижтимоий ва инфратузилма лойиҳалари кўламини кенгайтириш шулар жумласига киради. Умуман олганда, республикангиз иқтисодий, ижтимоий, сиёсий ҳаётидаги муваффақиятлар конференциянинг бошқа иштирокчилари қаторида мени ҳам ҳайратлантирди.

Бу ерда нафақат Ўзбекистон, балки бошқа мамлакатларнинг иқтисодий аҳволи ҳақида қимматли маълумотлар ҳам берилди. Улар орасида юртингизда яратилган, иқтисодиётни тартибга соладиган миллий тизимни юқори баҳолайман. Ўйлайманки, у мамлакатингизни глобал инқироздан етарли даражада ҳимоя қила олади. Шу маънода, миллий тажрибангиздан бошқа мамлакатлар ўрнак олса, арзийди.

**Луиджи ИПЕРТИ, "Италия — Ўзбекистон" Савдо палатаси раиси (Италия):**

— Юртингизда қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури ҳаётийлиги ва амалда самарали натижалар бераётгани билан ажралиб туради. Шу жиҳатдан, унга бўлган қизиқиш ғоятда кучли.

Италияда Президент Каримовнинг "Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари" асари кенг ўрганилмоқда. Молиявий таназзулни юмшатиш ва иқтисодиётни инқироздан кейинги даврда ривожлантириш бўйича белгилаб берилган йўналишлар, айниқса, соҳа мутахассислари томонидан юқори баҳоланмоқда.

Юртингизда ҳукм сураётган барқарор иқтисодий тараққиёт негизи бозор иқтисодиётига ўтишнинг энг тўғри йўли танланганида, деб биламан. Чунки ривожланишнинг босқичма-босқич тамойилига асосланилиши иқтисодий хавф-хатарлардан анча йироқдир. Буни Ўзбекистон тажрибаси мисолида кўриб турибмиз.

**Виталий ВИДЯПИН, Г. В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси президенти:**

— Конференциянинг нуфузи, иштирокчиларнинг сони ва географиясидан ҳам маълумки, бугун жаҳонда Ўзбекистон иқтисодиётига қизиқиш ниҳоятда катта. Нега деганда, юртингиз танлаган ривожланиш йўлининг нақадар тўғри ва самарали эканлиги, айниқса, глобал инқироз даврида яққол кўзга ташланди. Хусусан, анжуманда қатнашган Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки сингари халқаро ташкилотлар мутахассислари глобал молиявий-иқтисодий инқироз, айниқса, банк тизимига жиддий таъсир кўрсатаётганини таъкидлади. Мамлакатингизда бу хавф олдиндан илғаб олиниб, зарур чоралар ишлаб чиқилгани айни муддао бўлди: банк тизимида айтарли даражада талафот кўрилмади.

Жаҳон миқёсида иқтисодий кўрсаткичлар кескин тушиб кетган бугунги мураккаб шароитда Ўзбекистон иқтисодиётидаги жадал ривожланиш унинг устунликларини намоён этмоқда. Халқаро анжуман бу борада қўлланилган ютуқларни атрофлича ўрганиш, ўзаро тажриба алмашиш учун қулай имконият яратиб берди. Бу дунё давлатлари глобал муаммодан чиқишда энг самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқишида қўл келиши, шубҳасиз.

**«Халқ сўзи» мухбири Саид РАҲМОНОВ ёзиб олди.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

Тошкентда бўлиб ўтган "Инқирозга қарши чоралар дастурларининг самарадорлиги ва инқироздан кейинги ривожланишнинг устувор йўналишлари (Ўзбекистон мисолида)" мавзуидаги халқаро илмий-амалий конференцияда ўнлаб мамлакатлардан ташриф буюрган тўрт юздан ортиқ давлат ва жамоат арбоблари, олимлар, бизнесменлар, йирик молия муассасалари мутахассислари томонидан мазкур тажрибанинг ўрганилгани бежиз эмас, албатта.



**Банк ва мижоз:**

# ЎЗАРО МАНФААТЛАР МУШТАРАКЛИГИ

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ташаббуси билан етакчи молия муассасалари ҳамкорлигида Тошкент вилоятининг Оҳангарон, Ўрта Чирчиқ туманларида бўлиб ўтган анжуманларда мазкур ҳудудларда ҳамда бошқа туманларда фаолият юритаётган 800 дан ортиқ тадбиркорлар, омонатчилар, мутахассислар ва жамоатчилик вакиллари иштирок этди.

Таъкидландики, ҳозирги кунда вилоятдаги мавжуд молия муассасалари аҳолига тезкор ва намунали банк хизматларини кўрсатиб келмоқда. Хусусан, ўтган йили улар томонидан тадбиркорлик субъектларига 138,5 миллиард сўм миқдорида кредит ажратилди. Бу кўрсаткич аввалги йилдагига нисбатан 37,6 миллиард сўм кўпдир. Бундан ташқари, жорий йилда кичик бизнес вакилларига 184,2 миллиард сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилмоқда.

— Биз ўтган йили 12 мингдан зиёд мижозга хизмат кўрсатган бўлсак, шулардан салкам 3 мингтаси кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вакилидир, — дейди "Микрокредитбанк" очиқ акциядорлик тижорат банкининг Тошкент вилояти филиали раҳбари Дилшод Марипов. — Жами ажратган кредитларимиз миқдори эса 11,4 миллиард сўмга етди. Бу, ўз навбатида, 8 мингдан ортиқ янги иш ўринлари яратилишига асос бўлди.

Дарҳақиқат, молия муассасаларининг саъй-ҳаракатлари аҳолининг иш билан бандлигини таъминлабгина қолмай, балки уларнинг турмуш фаровонлигини оширишга, янги-янги маҳсулотлар ишлаб чиқаришининг ўзлаштирилишига, пировардида иқтисодиётимизнинг янада юксалишига хизмат қилаётир.

Очиқ мулоқот тарзида бўлиб ўтган тадбирларда шулар хусусида фикр юритилиш баробарида, иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларга батафсил жавоб олдилар.

**Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

**Ўзбекистон — Россия:**

# СИНАЛГАН ДЎСТ ВА ИШОНЧЛИ ҲАМКОРЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Савдо-иқтисодий алоқаларнинг жадал ривожи ёқилғи-энергетика, ахборот-коммуникация технологиялари, самолётсозлик ва темир йўл транспорти соҳаларида, айниқса, яққол кўзга ташланмоқда.

Айни вақтда мамлакатимизда Россия капитали иштирокидаги 843 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг салкам ярми (353 та корхона) сўнгги уч йил ичида ташкил этилган. Биргина 2009 йилнинг ўзида Ўзбекистонда Россия капитали иштирокида 101 корхона иш бошлади ва уларнинг 84 таси қўшма корхона сифатида, 17 таси эса тўлалигича Россия капитали асосида фаолият юритмоқда. Мазкур корхоналарнинг таъсис жамғармаларига Россия томонидан йўналтирилган сармояларнинг умумий ҳажми 500 миллион АҚШ долларидан зиёддир. Ушбу кўрсаткичлар икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий муносабатлар жадал суръатларда ривожланиб бораётганидан яна бир карра далолат беради.

Ҳозирги пайтда Ўзбекистонда Россиянинг 132 та фирма ва компанияси ваколатхоналари аккредитациядан ўтган. Ўз навбатида, Россияда Ўзбекистон капитали иштирокида 395 та корхона фаолият кўрсатмоқда.

Мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг ривожланишида Иқтисодий ҳамкорлик бўйича ҳукуматлараро комиссия фаолияти муҳим ўрин тутади. Мазкур Ҳукуматлараро комиссия икки томонлама иқтисодий, илмий-техникавий ва бошқа соҳалардаги ҳамкорликнинг устувор йўналишларини белгилаш ҳамда қабул қилинган қарорларнинг амалий ижросини таъминлаш борасида мувофиқлаштирувчи тузилма саналади. Ўзбекистон билан Россия иқтисодиётининг етакчи соҳаларидаги корхоналар ўртасидаги ҳамкорлик самарадорлигини таъминлашда икки мамлакат Ҳукуматлари томонидан имзоланган ва 2008 — 2012 йилларга мўлжалланган Иқтисодий ҳамкорлик дастури ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ҳукуматлараро комиссиянинг навбатдаги ўн иккинчи мажлиси шу йилнинг март ойида Тошкент шаҳрида бўлиб ўтди. Мажлис чоғида икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий ва инвестицион ҳамкорликни янада ривожлантириш истиқболлари билан бир қаторда, Марказий Осиёнинг трансчегаравий сув-энергетика захираларидан оқилона фойдаланиш борасида ўзаро уйғун сиёсат юритиш масаласи ҳам кўриб чиқилди.

Таъкидлаш жоизки, Россия томони Марказий Осиёдаги трансчегаравий дарёларнинг юқори оқимларида гидроэнергетика иншоотларини қуриш билан боғлиқ масалалар минтақадаги барча томонларнинг ўзаро келишуви асосида бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Россия Федерацияси Президенти Дмитрий Медведев 2009 йил январь ойида Ўзбекистонга давлат ташрифи чоғида айни шу масала хусусида тўхталар экан, Марказий Осиё минтақасида гидроэнергетика станцияларини қуриш масаласида барча қўшни давлатларнинг манфаатлари эътиборга олиниши зарур, дея баёнот берган эди. Ушбу нуқтаи назар Россия ташқи ишлар вазири С. Лавровнинг 2009 йил декабрь ойида, шунингдек, Россия ҳукумати Раисининг ўринбосари С. Ивановнинг шу йил март ойида мамлакатимизга ташрифлари чоғида яна бир карра эътироф этилди.

Халқаро ва минтақавий сиёсатнинг асосий масалалари бўйича Ўзбекистон билан Россия ўзаро ҳамоҳанг ёки яқин қарашларга эгадир. Ташқи сиёсат соҳасидаги ўзаро ҳамкорликни янада чуқурлаштириш борасида кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шунингдек, мамлакатларимизнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги каби қатор халқаро ва минтақавий ташкилотлар фаолияти доирасидаги ҳамкорлиги ҳам самарали кечмоқда.

Ўзбекистон ва Россия минтақада тинчлик ва барқарорликни таъминлаш ва мустаҳкамлаш, халқаро терроризм ва экстремизмга, шунингдек, гиёҳванд моддаларнинг ноқонуний айланиши ва наркотрафикка қарши кураш борасида ўзаро саъй-ҳаракатларни бирлаштириш муҳимлигини эътироф этишади.

Шунингдек, мамлакатларимиз тенг ҳуқуқли ва ўзаро манфаатли асосда ҳамкорлик қилиш, Марказий Осиёдаги барча долзарб масалаларда аниқ ва прицproperly принципиал нуқтаи назарни ишлаб чиқиш тарафдоридир.

Томонларнинг якдил фикрига кўра, Афғонистонда тинчлик ва барқарорликка эришиш умумминтақавий хавфсизликни таъминлашнинг муҳим омилидир. Шунингдек томонлар ўз миллий манфаатлари ва минтақавий тараққиётнинг узоқ муддатли устувор йўналишларидан келиб чиққан ҳолда, Афғонистонда турли иқтисодий ва ижтимоий лойиҳаларни амалга ошириш орқали халқаро ҳамжамиятнинг мазкур мамлакатдаги саъй-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди.

Шунингдек халқаро терроризм, экстремизм, гиёҳванд моддалар ва минтақавий хавфсизликнинг бошқа хавф ва таҳдидларга қарши кураш соҳасида икки мамлакат ҳуқуқ-тартибот органларининг яқин ҳамкорлигини ҳам таъкидлаб ўтиш жоиз.

Икки мамлакат ўртасидаги маданий-гуманитар алоқалар ҳам йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Таъкидлаш жоизки, мазкур йўналишдаги ҳамкорликнинг ҳуқуқий асосини Маданият, фан ва техника, таълим, соғлиқни сақлаш, ахборот, спорт ва туризм соҳаларида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битим, шунингдек, Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги билан Россия Маданият вазирлиги ўртасида имзоланган Маданий соҳада ҳамкорлик тўғрисидаги битим ташкил этади.

Ўзбекистон ва Россияда рус ва ўзбек диаспораларининг мавжудлиги ўзаро маданий ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Бугунги кунда мамлакатимизда 22 та вилоят ва шаҳар рус жамоат маданий-маърифий бирлашмаларидан таркиб топган Рус маданият маркази фаолият юритаётир. Республикамиздаги 769 та мактабда таълим рус тилида олиб борилади. Шунингдек, мамлакатимизнинг деярли барча олий ўқув юртлари, ўрта махсус ўқув муассасалари ва коллежларида рус тили ўқитиладиган факультетлар мавжуд.

Тошкентда Россия Федерацияси ҳукумати қошидаги Россия халқаро илмий ва маданий ҳамкорлик марказининг ("Росзарубежцентр") ваколатхонаси фаолият кўрсатиб келмоқда (*2009 йилнинг январь ойидан бошлаб ушбу марказнинг вазифалари МДҲ ишлари, хорижда истиқомат қилувчи ватандошлар ҳамда халқаро гуманитар ҳамкорлик (Россотрудничество) масалалари билан шуғулланувчи янги тузилган Федерал агентлик зиммасига ўтган*).

Сўнгги йилларда мамлакатларимиз ўртасида таълим, соғлиқни сақлаш, фан ва техника соҳаларидаги ҳамкорлик ҳам самарали ривожланмоқда. Ўзбекистонда анча йиллардан буён Г. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси филиали фаолият юритиб келмоқда. 2006 йил сентябрь ойида эса Тошкентда М. Ломоносов номидаги Москва давлат университети филиали очилди. 2007 йилнинг 12 январида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрида И. М. Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети филиали фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинди.

Ўзаро ҳамкорликнинг яна бир муҳим йўналиши, бу — туризм соҳаси ҳисобланади. 2009 йил кузида «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан Россия сайёҳлик корпорацияси ўртасида Россияда Ўзбекистоннинг туризм соҳасидаги салоҳиятини тарғиб этиш ва Россиядан келаётган туристлар оқимини кўпайтириш тўғрисидаги Агентлик битими имзоланди. Келишувга мувофиқ, Россия сайёҳлик оператори «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг ушбу мамлакатдаги агенти этиб тайинланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Россия Федерациясига амалга оширилажак расмий ташрифи икки давлат стратегик шериклик муносабатларини ва ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшиб, халқларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик алоқаларини кенгайтиришга хизмат қилиши шубҳасиздир.

**«Жаҳон» АА.**

# МАМЛАКАТ бўйлаб

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

***НАВОИЙ кон-металлургия комбинати тасарруфидаги 5-кон бошқармаси жамоаси Баркамол авлод йили муносабати билан хайрли ишга қўл урди.***

## Кончилар саховати

Жамоа аҳли ўзларининг бир кунлик иш ҳақларини, яъни 102 миллион сўмлик маблағни Қизилтепа туманидаги 5-мактаб-интернат ҳисоб рақамига хайрия ёрдами сифатида ўтказишди. Шунингдек, кончилар мазкур таълим даргоҳига доимий ғамхўрлик кўрсатиб туришни ҳам ўз зиммаларига олдилар. Эндиликда ушбу маблағ мактабнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлашга йўналтирилади.

**Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

***САМАРҚАНД. Тайлоқ туманида меҳнат ярмаркаси ташкил этилди. Унда 150 дан ортиқ ташкилот ва корхона 550 дан зиёд бўш иш ўринлари билан қатнашди.***

## Битирувчиларга иш тайин

Тадбир якунида 232 нафар фуқаро мутахассислиги бўйича ишга жойлашиш учун йўлланмаларга эга бўлди.

Шунингдек, ярмарка доирасида тумандаги бешта касб-ҳунар коллежи вакиллари битирувчи ўқувчиларини келгусида корхона ва ташкилотларга ишга жалб этиш юзасидан келишувларга эришдилар.

**Умида ҚУРБОНОВА.**

***ХОРАЗМ. Урганч шаҳрида "Сиз қонунни биласизми?" республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.***

## «Сиз қонунни биласизми?»

Унда барча туманлардан ташриф буюрган жамоалар миллий қонунчилигимизга оид билим ва кўникмаларини намойиш этдилар. Қизиқарли ўтган беллашувлар якунига кўра, Қўшкўпир туманидаги политехника ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежининг "Қалқон" жамоаси биринчи ўринга лойиқ кўрилди.

Эндиликда ушбу жамоа танловнинг республика босқичида вилоят шарафини ҳимоя қилади.

**О. РАҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

***АНДИЖОН шаҳрида "Ҳамшира — 2010" кўрик-танловининг вилоят босқичи якунланди. Унда танловнинг шаҳар ва туман босқичларида ғолибликни қўлга киритган саломатлик посбонлари ўз маҳоратларини намойиш этдилар.***

## Танловнинг республика босқичида қатнашади

Тиббиёт соҳасидаги билим ва малакаси, зукколиги билан барчанинг эътирофига сазовор бўлган Қўрғонтепа тумани тиббиёт бирлашмаси ҳамшираси Розия Усмонова биринчи ўринга муносиб, деб топилди. Эндиликда у танловнинг республика босқичида иштирок этади.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

***НАМАНГАН. Чортоқ туманининг Ҳазратишоҳ ва Янгиобод маҳаллаларидаги хонадонларга табиий газ кириб борди.***

## Яна бир қулайлик

Бунинг учун мазкур ҳудудга 23,9 километр узунликдаги юқори босимли қувурлар тортилди.

Эътироф этиш керакки, "Ўзтрансгаз" акциядорлик компанияси аҳолига қулайлик яратиш мақсадида 2,1 миллиард сўм маблағ ажратган эди. Бу маблағнинг оқилона ўзлаштирилиши туфайли 300 та хонадонда "зангори олов" порламоқда.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Талафот кўлами ошмоқда



***Хитойнинг Цинхай музофотида юз берган зилзила оқибатида ҳалок бўлганлар сони 760 кишига етди, дейилади “Франс Пресс” агентлиги хабарида.***

Яна 250 га яқин одам бедарак йўқолган, деб ҳисобланмоқда. Айтиб ўтиш керак, яқинда мамлакатда юз берган 7,1 балли ер ости силкинишидан Сичуань музофоти ва Тибет автоном туманига ҳам талафот етган. Кўплаб бинолар вайронага айланган. Хусусан, 15 мингта тураржой биноси жиддий шикастлангани боис, қарийб 100 минг нафар одам бошпанасиз қолган. Ҳозирда табиий офат содир бўлган ҳудудларда қидирув-қутқарув ишлари олиб борилмоқда. Ҳукумат бу ишларга 29 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратган.

## Шифохона олдида портлаш

***Покистоннинг Кветта шаҳрида қўпорувчилик ҳаракати содир этилди.***

Бу ҳақда “Ассошиэйтед пресс” ахборот агентлиги хабар тарқатди. Хунрезлик шаҳар шифохонаси олдида юз берган. Оқибатда етти киши ҳалок бўлган, бир неча киши тан жароҳати олган. Маҳаллий ҳуқуқ-тартибот идоралари вакиллари портлаш террорчи томонидан амалга оширилганини маълум қилди.

## Ичиш ва сотиб олиш тақиқланди

***“The Daily Mail” нашрининг ёзишича, Лора Холл исмли аёлга Буюк Британия ҳудудида спиртли маҳсулотлар сотиб олиш ва ичиш тақиқлаб қўйилди.***



Изоҳланишича, 20 ёшли бу аёл маст ҳолда ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан қўлга олинганидан сўнг шундай жазога тортилган. Бунга кўра, Лора икки йил мобайнида Англия ва Уэльс давлатлари ҳудудларидаги бар, клуб ҳамда дўконлардан бу турдаги маҳсулотларни сотиб олиш ҳуқуқидан маҳрум қилинган. Агар унинг мазкур тартибни бузгани аниқланса, Лора 2,5 минг евро миқдорида жаримага тортилади.

Маълумот ўрнидан айтиб ўтамиз, Лора Холл Буюк Британия тарихида ана шундай жазога тортилган биринчи аёл бўлди.

## Вулқон ҳаракатга келди

***Исландия жанубидаги вулқоннинг ҳаракатга келиши минтақа авиакомпаниялари фаолиятини қисман издан чиқаргани айтилмоқда.***

Бу ҳақда хабар тарқатган “Sky News” телеканали маълумотларига қараганда, ҳозирда минтақадаги аксарият аэропортларда парвозларни амалга ошириш тўхтатилган. Воқеага изоҳ берган Буюк Британия авиадиспетчерлик хизмати вулқон ҳарорати самолётлар двигателига салбий таъсир кўрсатиши мумкинлигини билдирган. Табиийки, бу йўловчилар ҳаётига жиддий хавф туғдиради. Шу боис Ирландия, Норвегия, Дания, Швеция, Финляндия каби мамлакатларда бир қатор йўналишлардаги парвозлар бекор қилинган.

## Ижобий натижа кузатилди

***“Рейтер” агентлиги хабарига кўра, Швейцариянинг мобиль телефонлари ишлаб чиқарувчи “Sony Ericsson” корхонаси фаолияти яна ижобий томонга ўзгара бошлаган.***



Яъни бу корхона жорий йилнинг биринчи чорагида 29 миллион евро миқдорида соф фойда кўрган. Изоҳланишича, жаҳон бозорида истеъмол даражасининг ўсиб бораётгани компания фаолиятида ижобий ўзгаришларга сабаб бўлмоқда.

Эслатиб ўтамиз, корхона ўтган йилнинг шу даврида 293 миллион АҚШ доллари миқдорида зарар кўрганди.

## Фиръавн бармоғи қайтарилди

***Швейцариялик олимлар 1907 йилда Мисрдан олиб чиқиб кетилган фиръавн Эхнатоннинг мумиёланган оёқ бармоғини қайтаришди.***

Бу ҳақда Миср қадимшунослик ишлари бўйича Олий Кенгаши раҳбари Захи Хавас маълумот берди. Қоҳира шаҳрида икки давлат вакиллари ўртасида мазкур масалага бағишлаб ўтказилган тадбирда ўша вақтларда Мисрдан олиб кетилган қадимий маданий бойликларнинг қайтарилиши юзасидан келишув ҳам имзоланган.

Таъкидлаш керакки, Миср қадимшунослик ишлари бўйича Олий Кенгаши мамлакатдан олиб кетилган қадимий буюмларни қайтариш борасида кенг кўламли ишларни амалга оширмоқда. Хусусан, 2002 йилдан буён олиб борилган тадбирлар самараси ўлароқ, 31 мингта қадимий ашё мамлакатга қайтарилган.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

---

***Бугунги кунда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, хусусан, банк-молия тизимини такомиллаштириш борасидаги кенг кўламли чора-тадбирлар натижасида молия муассасаларининг фаолияти тобора ривожланиб бораётир. Президентимизнинг 2009 йил 30 мартдаги “Агробанк” акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида”ги қарорига асосан, ўз фаолиятини бошлаган мазкур молия муассасаси томонидан айни пайтга келиб, қишлоқ жойларда ишлаб чиқаришни, фермерлик ҳаракатини ривожлантириш ва уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг чекка ва олис ҳудудларига саноатни олиб кириш мақсадида талайгина ишлар амалга оширилмоқда.***

# «Агробанк»: АҲОЛИ БАНДЛИГИ – БОШ МЕЗОН

Айтиш жоизки, бу борадаги саъй-ҳаракатлар, айниқса, ўтган йили — “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили”да янги босқичга кўтарилди. Бунга “Агробанк” Жиззах вилояти бошқармаси жамоасининг бугунги фаолияти ҳам яққол мисол бўла олади. Жумладан, бошқарма томонидан бултур 11020 дан зиёд мижозга тезкор ва намунали банк хизматлари кўрсатилди. Эътиборлиси, мижозларнинг қарийб тўққиз мингтаси кичик бизнес вакили ҳисобланиб, ажратилган маблағ ва хизматлар эвазига улар томонидан янги-янги маҳсулот турлари ишлаб чиқарилаяпти. Қишлоқ жойларда кўплаб замонавий, қулай шароитларга эга маиший хизмат кўрсатиш ва савдо шохобчалари иш бошлаяпти. Айниқса, мижозларга хизмат кўрсатилишида бошқарма ва унинг бўлимларида яратилган шарт-шароитлар ҳам таҳсинга лойиқ. Яъни бошқарма шохобчаларининг тўлиқ замонавий жиҳозлар билан таъминлангани мурожаат этувчиларнинг юмушларини ўз вақтида ҳал этиш имкониятини яратмоқда. Натижада бир йил ичида бошқарманинг жами кредит қўйилмалари қолдиғи 56 миллиард сўмни ташкил этди. 1314 та кичик бизнес субъектига ажратилган кредитлар ҳажми 17 миллиард сўмга етди. Ушбу маблағларнинг 2 миллиард 963,5 миллион сўми микрокредитлар эканини эътиборга моликдир. Энг муҳими, банк кўмаги билан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ҳажми 4 миллиард 523 миллион сўмдан ошиб, 4080 та янги иш ўрни яратилди.

Бошқарма фаолиятининг ривожланишида Президентимиз томонидан имзоланган Фармон ва қарорлар дастуриламал вазифасини ўтаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз. Негаки, ана шу ҳужжатларнинг ижроси молия муассасалари зиммасига масъулият юклаши баробарида, аҳоли билан муносабатларни мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилаётир. Жумладан, Президентимизнинг 2006 йил 23 мартдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларни кўпайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижроси юзасидан олиб борилган ишлар доирасида банк ўз маблағи ва бюджетдан ташқари жамғармалар ҳисобидан 370 та шахсий ёрдамчи хўжаликка 454 миллион сўм миқдорида кредит ажратди. Ушбу кредитлар эвазига 598 бош қорамол сотиб олинди.

***Бошқарма жамоаси, шунингдек, Президентимизнинг 2008 йил 21 апрелдаги “Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва моллар кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори бўйича ҳам талайгина ишларни амалга оширди. Яъни қарорда белгиланганидек, фермер хўжаликлари қошида чорвачилик комплексларини ташкил этиш мақсадида банк томонидан 485 миллион сўмлик кредит берилди.***

Маълумки, сўнгги йилларда мамлакатимизда хотин-қизлар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларни фойдали меҳнатга жалб этиш, тадбиркорлик, ишбилармонлик қобилиятларини юзага чиқариш масалаларига ҳам катта эътибор қаратилаяпти. Мазкур жараёнда молия муассасаларининг ҳам алоҳида ҳиссаси бор, десак, асло янглишмаймиз.

Зеро, тадбиркорлик ҳаракатини бошлаб, эл-юрт манфаати йўлида жон куйдираётган, фермерлик орқали аҳоли дастурхонини тўкин, турмушини фаровон қилишга муносиб улуш қўшаётган хотин-қизларнинг мунтазам равишда моддий жиҳатдан қўллаб-қувватланаётгани бунинг амалий тасдиғидир.

“Агробанк” очиқ акциядорлик тижорат банки Жиззах вилояти бошқармаси жамоаси ҳам ушбу мақсадларга жиддий эътибор қаратиб келмоқда. Натижада жойларда, айниқса, чекка-чекка қишлоқ ҳудудларида хотин-қизлар раҳбарлигидаги кўплаб тадбиркорлик субъектлари пайдо бўлаяпти. Фақат аёлларгагина мос бўлган каштачилик, зардўзлик, касаначилик кенг оммалашмоқда. Бунда, хусусан, Президентимизнинг 2004 йил 25 майдаги “Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги Фармони муҳим аҳамият касб этаяпти.

Бошқарма томонидан ўтган йили 1250 дан зиёд аёл тадбиркорга 1 миллиард 88 миллион сўм миқдорида микромолиявий хизматлар кўрсатилгани, жорий йилда эса 276 нафар тадбиркор аёлга 1 миллиард 308,5 миллион сўм миқдорида кредит ажратилгани, айниқса, диққатга сазовордир.

Мазкур маблағлар ҳисобига 450 нафар киши бугунги кунда халқ истеъмоли моллари тайёрлаш, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш, саноат ва ишлаб чиқариш, маиший ҳамда сервис хизмати кўрсатиш соҳасида фаолият юритмоқда.

### Молия муассасаларида

Шундай тадбиркорлик субъектларидан бири Жиззах шаҳридаги “Мадад шифо” хусусий фирмасидир. Гап шундаки, ушбу жамоага банк томонидан 25 миллион сўм маблағ ажратилиши туфайли эндиликда 16 ўринли клиникада аҳолига замонавий технологиялар ёрдамида тиббий хизмат кўрсатилмоқда.

Ёшлар — мамлакат келажаги. Шу маънода, юртимизда баркамол авлод тарбияси, уларнинг касб-ҳунар эгаллашлари учун яратиб берилаётган шарт-шароитлар келажак пойдевори, десак, муболаға бўлмайди. Молия муассасаларининг улар билан ҳамкорлик ўрнатиб, тадбиркорлик фаолиятини ривожлантириш борасида ажратаётган маблағ ва кўрсатаётган хизматлари ёш авлоднинг ҳаётда ўз ўрнини топишида муҳим омил бўлаётир. “Агробанк” Жиззах вилояти бошқармаси ҳам бу жараёнда фаол иштирок этиб келмоқда. Хусусан, 250 та ёш оилага 935 миллион сўм миқдорида микрокредитлар ажратилиб, мазкур маблағларнинг 406 миллион сўми тадбиркорлик билан шуғулланишга йўналтирилди. Шунингдек, 408 миллион сўми истеъмол, 106 миллион сўми эса ипотека кредити ҳисобланади. Жумладан, зоминлик М. Самарова тадбиркорлик учун 9 миллион сўм, Зарбдор туманида яшовчи Ф. Шодиёрова уй сотиб олиш учун банкнинг 30 миллион сўмлик кредитларидан фойдаландилар.

Бундан ташқари, банк томонидан Ғаллаорол туманидаги “Темур тузуклари” фермер хўжалиги қошида ташкил этилган мевани қайта ишлашга ихтисослашган корхонага 100 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратилгани боис, эндиликда бу ерда консерваланаётган маҳсулотлар вилоят бозорларида ҳам ўз харидорларини топиб улгурди.

***“Агробанк” очиқ акциядорлик тижорат банки Жиззах вилояти бошқармасида, шунингдек, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш борасида ҳам диққатга сазовор ишлар амалга оширилмоқда. Ўтган йил давомида 49 та тадбиркорлик субъектига 1 миллиард 26 миллион сўмлик кредит ажратилгани, ушбу маблағлар ҳисобига 194 та янги иш ўрни яратилгани, уларнинг аксарияти қишлоқ жойларга тўғри келиши фикримизга яққол далил бўла олади.***

Умуман, бугунги кунда вилоятда банк кўмагидан фойдаланиб, фаолиятини ривожлантириб олаётган ва, ўз навбатида, иқтисодиёт ривожига муносиб ҳисса қўшаётган тадбиркорлик субъектлари талайгина. Масалан, Ғаллаорол туманидаги “Азиз инвест файз” фирмаси 150 миллион сўмлик кредит эвазига паррандачиликни, Зомин туманидаги “Шодмонқулов Дилшод” фермер хўжалиги 30 миллион сўм ҳисобидан иссиқхона фаолиятини, Арнасой туманидаги “Зебузар принт” хусусий фирмаси эса 15 миллион сўмлик кредит ёрдамида асаларичиликни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келаётир.

Маълумки, “Жиззахпластмасса” очиқ акциядорлик жамияти вилоятдаги энг йирик корхоналардан бири саналади. Бугун бу ерда тайёрланаётган турли ҳажмдаги пластмасса қувур ва бошқа маҳсулотлар нафақат ички, балки ташқи бозорда ҳам анчайин харидоргир. Айтиш жоизки, мазкур жамият “Агробанк”нинг ишончли мижозларидан бири сифатида фаолиятини тобора кенгайтирмоқда. Бошқарма томонидан ўтган йили “Жиззахпластмасса”га 1 миллиард 200 миллион сўм миқдорида кредит ажратилиши ишлаб чиқариш ҳажмини 1,5 баробар кўпайтириб, 100 дан зиёд янги иш ўринлари яратилишига имкон берди.

Шунингдек, банкнинг 10 миллион сўмлик имтиёзли кредити ҳисобига Жиззах шаҳридаги “Жиззах ойинаси” масъулияти чекланган жамияти қошида замонавий қурилиш маҳсулоти — пластик ромлар ишлаб чиқарувчи янги корхона ташкил этилганини ҳам алоҳида қайд этиш жоиз.

Қувонарлиси, вилоятда замонавий ва ихчам технологиялар асосида маҳсулот ишлаб чиқараётган бундай корхоналар сафи кундан-кунга ортиб бормоқда. Жиззах шаҳридаги “Нур орион голд”, “Канги нон маҳсулотлари”, Мирзачўл туманидаги “Гагарин момиқ” масъулияти чекланган жамиятлари, Бахмал туманидаги “Нур” фермер хўжалиги шулар жумласидандир. Ушбу ишлаб чиқариш субъектларига ҳам банк томонидан намунали хизмат кўрсатилаяпти.

Бугунги кунда молия муассасалари томонидан аҳолига замонавий хизматларнинг тақдим этилаётгани банк ва мижоз ўртасидаги ўзаро ишончни тобора мустаҳкамлаётир. Айниқса, пластик карточкалардан фойдаланиш кундалик муомала воситаси сифатида тобора оммалашиб бораяпти. Ҳозирда “Агробанк” очиқ акциядорлик тижорат банки Жиззах вилояти бошқармаси ташаббуси билан вилоятдаги турли савдо мажмуалари ва шохобчаларига 565 дона терминал ўрнатилиб, улар орқали мижозларга қулай хизмат кўрсатилаётгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

**М**ухтасар қилиб айтганда, бошқарманинг фаолияти республикамиз банк-молия тизимини ривожлантириш борасидаги ислоҳотлар изчиллигини таъминлаш баробарида, янги иш ўринларини яратиш, аҳоли турмуш фаровонлигини юксалтиришга хизмат қилаётир.

**Ф. БЎТАЕВ.** t


## Молиявий барқарор, баҳамжиҳат меҳнат жамоасига эга ташкилотда ишлаш истагида бўлган фуқаролар диққатига!

**Иқтисодчи лавозимига** — молия-иқтисодиёт ихтисослиги бўйича олий маълумотга, фаолият соҳасида камида 5 йил меҳнат стажига, компьютерда ва 1С-Бухгалтерия дастурида ишлаш кўникмасига эга, 35 ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

**Ҳисобчи лавозимига** — молия-иқтисодиёт ихтисослиги бўйича олий маълумотга, компьютерда ва 1С-Бухгалтерия дастурида ишлаш кўникмасига эга, 30 ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

**Маклер лавозимига** — олий маълумотга, фаолият соҳасида камида 3 йил меҳнат стажига, компьютерда ишлаш кўникмасига эга, 30 ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

**Маъмур лавозимига** — олий маълумотга, фаолият соҳасида камида 3 йил меҳнат стажига, компьютерда ишлаш кўникмасига эга, 30 ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

**Биржа савдолари бўйича бош мутахассис лавозимига** — иқтисодиёт ёки менежмент ихтисослиги бўйича олий маълумотга, камида 3 йил меҳнат стажига, компьютерда ишлаш кўникмасига эга, 35 ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси;

**Кимошди савдолари бўйича етакчи мутахассис лавозимига** — иқтисодиёт ёки менежмент ихтисослиги бўйича олий маълумотга, камида 3 йил меҳнат стажига, компьютерда ишлаш кўникмасига эга, 30 ёшгача бўлган Ўзбекистон Республикаси фуқароси

### ТАНЛОВ АСОСИДА ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ!

**Танлов 2010 йил 30 апрель куни Тошкент шаҳри, С. Раҳимов тумани, М. Ўразбоев кўчаси, 1-«А» уй манзилида 2-қаватнинг 209-хонасида ўтказилади.**

Танловда қатнашиш истагида бўлган фуқаролар қуйидаги ҳужжатларни топширишлари лозим:
- *Танловда иштирок этиш ҳақида ариза;*
- *Мутахассислиги бўйича диплом нусхаси;*
- *Меҳнат дафтарчасидан нусха;*
- *Меҳнат фаолияти тўғрисида резюме (фотосурати билан);*
- *Паспорт нусхаси.*

Талабгорлардан ариза ва бошқа ҳужжатларни қабул қилиш 2010 йил 29 апрель куни соат 18.00 да тўхтатилади.

Танловда кўчмас мулк бозори бўйича иш тажрибасига эга фуқароларга алоҳида имтиёз берилади.

**Қўшимча маълумотлар учун телефонлар: (8-371) 228-80-32, 228-80-31.**

**ИМКОНИЯТИНГИЗНИ ҚЎЛДАН БОЙ БЕРМАНГ!**

377R/404



## Ҳурматли истеъмолчилар!



**Агар товарлар харид қилганингизда, бирор хизматдан фойдаланганингизда сизнинг ҳақ-ҳуқуқларингиз ишлаб чиқарувчи, ижрочи ва сотувчи томонидан бузилса, шунингдек, тўловларни пластик карточкалар орқали амалга оширганингизда, нархлар асоссиз оширилса ва ёки қўшимча ҳақ талаб қилинса, Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш Давлат қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий органларига мурожаат қилишингиз мумкин.**



| ҲУДУДИЙ БОШҚАРМАЛАР | ИШОНЧ ТЕЛЕФОНЛАРИ |
|---|---|
| Қорақалпоғистон Республикаси | 8 (361) 222-30-11 |
| Андижон | 8 (374) 222-17-01 |
| Бухоро | 8 (365) 223-70-48 |
| Жиззах | 8 (372) 226-10-01 |
| Қашқадарё | 8 (375) 226-24-01 |
| Сурхондарё | 8 (376) 223-63-25 |
| Наманган | 8 (369) 233-29-56 |
| Навоий | 8 (436) 226-11-74 |
| Хоразм | 8 (362) 226-30-93 |
| Фарғона | 8 (373) 224-08-25 |
| Сирдарё | 8 (367) 225-07-30 |
| Самарқанд | 8 (366) 235-88-44 |
| Тошкент вил. | 8 (371) 241-67-98 |
| Тошкент шаҳри | 8 (371) 233-09-39. |

381R/453


Газетанинг 2010 йил 14 апрель сонидаги Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигининг 2010 — 2011 ўқув йилида умумтаълим мактаблари учун чоп этилган дарсликлар ва ўқув-методик қўлланмаларни жойларга етказиб бериш бўйича тендер савдоларини ўтказиш тўғрисидаги эълонида қайд этилган барча тендер таклифларига тендер таклифи суммасининг 3 (уч) фоизи миқдоридаги бўнак суммаси **“1 (бир) фоиз миқдоридаги бўнак суммаси”** деб ўқилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси жамоаси Академиянинг “Жамият ва бошқарув” журнали муҳаррири Бахтиёр Абдушукуровга падари бузруквори **БЎРОН отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ҳайъати ҳамда касаба уюшмаси бирлашган қўмитаси ЎзР ФА Сув муаммолари институти директори, техника фанлари доктори Эрназар Маҳмудовга укаси **Имомназар МАҲМУДОВнинг** вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт ● Sport ● Спорт

***8 — 15 апрель кунлари пойтахтимиздаги “Ўзбекистон” спорт мажмуида оғир атлетика бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида ташкил этилган Осиё чемпионати нафақат қизғин курашлар остида ўтганлиги, балки янги қитъа рекордлари ўрнатилганлиги билан ҳам эътиборга сазовор бўлди.***

***Халқаро оғир атлетика федерацияси (IWF) кўмагида Осиё Оғир атлетика федерацияси (AWF), Ўзбекистон Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, республика Оғир атлетика федерацияси ҳамкорлигида ўтказилган мазкур нуфузли мусобақада мезбонлардан ташқари, Хитой, Япония, Жанубий Корея, Бангладеш, Қозоғистон, Қатар, КХДР, Малайзия, Сингапур, Сурия, Таиланд каби ўттизга яқин мамлакатдан жами икки юз нафардан зиёд спортчи иштирок этди.***



# ЎЗБЕКИСТОН ОҒИР АТЛЕТИКА МАКТАБИ НУФУЗИ ОШМОҚДА

Чемпионатда ўсмирлар ва қизлар терма жамоалари нафақат ғолиблик, балки жорий йилнинг 14 — 26 август кунлари Сингапурда ёшлар ўртасида ўтказиладиган I Олимпия ўйинларига бериладиган иккита йўлланма учун ҳам кураш олиб бордилар.

— Мусобақа мезбонлиги учун сўнгги босқичда Ўзбекистон, Қатар, Бангладеш давлатлари даъвогарлик қилганди, — дейди Осиё оғир атлетика федерацияси (AWF) президенти Султон бин ал-Шайх Межрен (БАА). — Ижроқўм йиғилишида кўпчилик овоз билан Ўзбекистон номзоди тасдиқланди. Сабаби, мамлакатингизда бу каби йирик спорт анжуманларини юқори савияда ташкил этиш бўйича катта тажриба тўпланган. 2005 йили Чирчиқ шаҳрида оғир атлетика бўйича ўсмирлар ва ёшлар ўртасида Осиё биринчилиги, 2006 йили Тошкент шаҳрида ёшлар ва катталар ўртасида клублар бўйича Осиё чемпионати, 2009 йилда эса “Жар” спорт-соғломлаштириш мажмуида клублар ўртасида Осиё чемпионати ва Осиё кубоги мусобақалари бўлиб ўтган эди. Бу сафарги мусобақа янада юксак савияда ташкиллаштирилгани билан бизга маъқул бўлди.

Таъкидлаш лозимки, ушбу мусобақа ҳам Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортга ниҳоятда катта эътибор берилаётганлигини амалда яна бир карра намойиш этди. Бундай дейишимизга етарлича асос бор. Қитъа чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари рақибларига етарлича қаршилик кўрсатиб, якунда медаллар сони бўйича етакчилар сафидан жой олишди.

Айниқса, ўсмирлар ўртасидаги баҳсларда 94 килограмм вазн тоифасида иштирок этган андижонлик Муҳаммад Юсупов бир йўла учта олтин медални қўлга киритиб, Ўзбекистон оғир атлетика мактабининг қитъада ўз ўрни бор эканлигини исботлади. Икки карра Ўзбекистон чемпиони даст кўтаришда 121 килограмм, силтаб кўтаришда 151 килограмм натижани қайд этди.

— Юртбошимизнинг биз, ёшларга кўрсатаётган ғамхўрликларини доимо ҳис қилиб турибмиз, — дейди М. Юсупов. — Мураббийлар билан беллашувларга қизғин ҳозирлик кўрган эдик. Ана шу меҳнатимиз эвазига учта олтин медални қўлга киритдим. Умуман, мусобақалар давомида Хитой, Ҳиндистон, Ироқ ва Хитой Тайпейи давлатлари оғир атлетикачиларининг иштироки менда катта таассурот қолдирди.

## Халқаро турнир

Андижон вилоятининг яна бир вакили Зиёвуддин Қутбиддинов (69 кг.) битта кумуш, иккита бронза, хоразмлик Мадиёр Ибрагимов (47 кг.) эса бронза медали билан тақдирланди. Асосийси, оғир атлетикачиларимиз умумжамоа ҳисобида иккинчи ўриндан жой олиб, шу йилнинг август ойида Сингапурда ёшлар ўртасида ўтказиладиган I Олимпия ўйинларига бериладиган йўлланмани қўлга киритдилар. Ироқ, Саудия Арабистони, Туркманистон ва КХДР ўсмирлар терма жамоалари ҳам биттадан Олимпиада йўлланмалари эгаси бўлишди.

Қизлар ўртасидаги беллашувлар ҳам қизғин курашлар остида кечди. Ҳамюртимиз Марина Сисоева (44 кг.) учта бронза медали соҳиби бўлди. Қолган қизларимиз совриндорлар сафидан жой олишмаган бўлишса-да, Олимпиада ўйинлари йўлланмаси учун зарур бўлган муҳим очколарни йиғишга муваффақ бўлишди. Қолган учта йўлланма Индонезия, Филиппин ва Малайзия қизлар терма жамоаларига насиб этди.

Йигирма ёшгача бўлган ёшлар ва қизлар ўртасидаги Осиё чемпионатида ҳам юртдошларимиз муваффақиятли иштирок этишди. Жумладан, хоразмлик Шерзод Рўзметов (69 кг.) даст кўтаришда олтин, силтаб кўтаришда бронза, умумий якун бўйича кумуш медали билан тақдирланди. Шунингдек, Жаҳонгир Зиннатов (105 кг.), Бибиойша Бўриева (53 кг.), Жанна Пуставарова (+75 кг.) ва Дилафрўз Қандаҳорова (+75 кг.) ҳам совриндорлар сафидан жой олишди.

**Ю**қорида таъкидланганидек, Тошкентда ўтган Осиё чемпионати янги рекордлар ўрнатилиши билан ҳам ёдда қоладиган бўлди. КХДР қизлар терма жамоаси аъзоси Ким Кук Хийонг (+69 кг.) даст кўтаришда 106 килограмм, силтаб кўтаришда 140 килограмм оғирликни забт этди. Умумий натижаси эса 246 килограммни ташкил этди. У силтаб кўтариш ва умумий натижа бўйича қитъа рекордларини янгилади.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ (сурат),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

# СОҒЛОМ ОНА — СОҒЛОМ БОЛА

***Мамлакатимизда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар замирида, аввало, баркамол авлодни вояга етказишдек улуғвор мақсад мужассам. Бу мақсадга она ва бола соғлиғига катта эътибор қаратмасдан туриб эришиб бўлмайди. “Она ва бола” Бухоро вилояти скрининг марказида ҳам бу борада бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.***

— **Б**олаликдан ногиронликнинг олдини олиш асосий мақсадимиз, — дейди марказ раҳбари Дилбар Аҳмедова. — Бунинг учун бизда барча шарт-шароит яратилган. Малакали кадрлар ва зарур тиббий жиҳозлар етарли.

Марказ раҳбари бу ҳақда бежиз тўхталгани йўқ. Шифокорлар иш жараёнида турли тақдирлар, турли ҳолатларга кўп дуч келишади. Дейлик, Пешку туманида яшовчи бир онахон келини билан келиб, унинг фарзанд кўрмаётганини айтиб, ёрдам сўради. Турмуш қурганига икки йилча бўлиб қолган келин тиббий кўрикдан ўтказилганида, унинг жисмоний жиҳатдан балоғатга етмагани аниқланди. Ёки бошқа бир мисол. Шофиркон туманида истиқомат қилувчи бир оила икки боласи ногирон туғилганини, учинчи фарзанд соғлом дунёга келиш-келмаслигини аниқлаб беришни сўраб мурожаат қилди.

— Суриштириб билсак, бу эр-хотин яқин қариндош экан, — дейди марказ ходими Нозима Қудратова. — Афсуски, минтақамизда қизларни эрта турмушга узатиш ёки қариндошларнинг ўзаро қуда-анда тутиниш ҳоллари учраб туради. Оқибатда бундай оилаларда нимжон, туғма нуқсонли болалар дунёга келиши эҳтимоли пайдо бўлмоқда. Марказимиз ана шундай нохуш ҳолларга чек қўйиш, болаликдан ногиронликнинг олдини олиш юзасидан бир қатор ишларни амалга оширмоқда.

Аниқ мисолларга тўхталсак. Сўнгги икки йилда вилоят бўйича 51200 нафар чақалоқ акушерлик ва педиатрлик хизматлари билан биргаликда неонатал скринингдан ўтказилди. Олти чақалоқда фенилкетонурия, 36 чақалоқда туғма гипотериоз касаллиги аниқланди. Улар генетик шифокор ва эндокринолог назоратига олиниб, зарур препаратлар билан бепул таъминланди.

## Дастур ва ижро

Тиббий нуқтаи назардан хавфли гуруҳга мансуб 23 минг 632 нафар ҳомиладор аёл скрининг текширувидан ўтказилиб, 192 ҳомила нуқсонли деб топилди. Табиийки, тиббий кўрсатма асосида 165 ҳолда уларнинг ҳомиладорлиги тугатилди.

— Биз юқоридагиларни назарда тутган ҳолда, мактаб, лицей, коллеж ҳамда олий ўқув юртларида ёшлар иштирокида йод танқислиги, эрта турмушга чиқиш, қариндошлар ўртасидаги никоҳ оқибатлари хусусида давра суҳбатлари ва мулоқотлар ўтказаяпмиз, — дейди Д. Аҳмедова. — Бундай тадбирларни фуқаролик ҳолати далолатномалари ёзиш бўлими ходимлари билан ҳамкорликда маҳаллаларда ҳам ташкил этаяпмиз. Баркамол авлод йилида амалга ошираётган бу ишларимиз ўз натижасини беради, албатта. Зеро, соғлом фарзанд дунёга келишидан нафақат оила, балки жамиятимиз ҳам манфаатдордир.

**А**йтиш жоизки, “Баркамол авлод йили” ҳудудий дастурида вилоятда она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш юзасидан бир қатор вазифалар белгиланган. Унга кўра, вилоят перинатал маркази биноси қурилиши якунланиши, туманлардаги қишлоқ врачлик пунктлари “Саломатлик-2” ҳамда “Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш” лойиҳалари бўйича жиҳозланиши кутилмоқда. Скрининг маркази шифокорлари малакаси ҳам мунтазам тарзда ошириб борилмоқда. Буларнинг барчаси мамлакатимизда баркамол авлодни вояга етказиш, она ва бола саломатлигини таъминлаш йўлида қилинаётган ишлар самарасидир.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ВАТАНПАРВАР ВА БАРКАМОЛ ЁШЛАР

## она-Ватанимизнинг бугуни ва келажагини белгилайди



(Давоми. Боши 1-бетда).

Мактабдаги тарбиявий ишлар ёш курсантлар онгига Ватанга муҳаббат ва халқимиз урф-одатлари, миллий қадриятлари ҳамда удумларига ҳурмат руҳини сингдиришга қаратилган. Шунингдек, курсантлар спорт, мавсумий ва парад кийимлари билан тўлиқ таъминланган. Уларнинг дам олишлари учун кенг ва шинам жиҳозланган, 250 ўринли ётоқхона муҳайё этилган. Ахборот-ресурс маркази, “Маънавият ва маърифат хонаси” ўқувчилар ихтиёрида.

Ёш курсантлар кунни бадантарбия машғулотлари билан бошлашади. Нонушта ва саф кўригидан сўнг ўқув дарслари тушга қадар давом этади.

Ҳарбийлик сирларини мукаммал эгаллаб бориш, Ватанга, халққа, Президентга содиқликка қасамёд қилиш мактаб курсантлари учун энг унутилмас тадбирлардан биридир.

Мамлакатимизда болалар спортини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор самаралари бу ерда ҳам яққол кўзга ташланади. Ёш курсантлар тажрибали мураббийлар раҳбарлигида спортнинг дзюдо, баскетбол, кураш, шахмат-шашка ва каратэ каби турлари билан шуғулланишади. Улар Тошкент шаҳри, республика миқёсидаги кўплаб мусобақаларда иштирок этиб, совринли ўринларни ҳам қўлга киритишмоқда. Жумладан, Жаҳонгир Норов, Нодир Эргашев, Тимур Яковлев, Фаррух Фарҳод ўғли каби ёш истеъдодлар каратэ бўйича мамлакат очиқ чемпионатида ғолиб бўлишган. Мактаб-интернатда бундай довруқли ёшлар кўплаб топилади.

Ушбу маскан фаолияти билан яқиндан танишиб, бу ерда эртанги куннинг жасур, мард ва баркамол авлодлари етишиб чиқаётганига яна бир карра амин бўлдик.

**Омонулла ФАЙЗИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

***Яқинда Тошкент вилоятида бўлиб ўтган академик эшкак эшиш бўйича Ўзбекистон чемпионатида қорақалпоғистонлик спортчилар ҳам муваффақиятли иштирок этдилар.***

# Жаҳон кубогига йўлланма

Муросасиз кечган баҳслар якунига кўра, минтақа эшкакчилари 2 та олтин, 10 та кумуш, 7 та бронза медалини қўлга киритишди. Хусусан, спортнинг эшкак эшиш турига ихтисослашган Нукусдаги Олимпия захиралари мактаби тарбияланувчилари А. Мамбетназарова, Д. Қайипова, А Узоқбоев, Е. Ҳамидуллаев Италиянинг Пьеделуко шаҳрида ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтадиган жаҳон кубоги йўлланмасига эга бўлди.

**Ҳ. АҲМЕДОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Нигина — мусобақа ғолиби

***Наманган шаҳридаги 25-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида ўтказилган теннис бўйича ёшлар ўртасидаги халқаро мусобақа ниҳоясига етди.***

Жаҳоннинг ўнта мамлакатидан келган ёш ракетка усталари баҳсида юртимиз вакиллари муваффақиятли иштирок этдилар. Жумладан, қизлар ўртасидаги беллашувларда тошкентлик Нигина Абдураимовага тенг келадигани топилмади.

Ўғил болалар баҳсида қатнашган Санжар Файзиев, Бобур Комилжонов, Сергей Шипилёв сингари ёш теннисчиларимиз гарчи чорак ва ярим финалгача етиб келишган бўлсада, ажойиб ўйинлари билан мухлисларни хурсанд қилишди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Спорт

*Барча турдаги корхона ва ташкилотлар диққатига!*

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БОШ ПРОКУРАТУРАСИ**
**қуйидаги объект бўйича танлов савдоси ўтказилишини эълон қилади:**

**«Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани, Я. Ғуломов кўчаси, 66-уйдаги Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси учун маъмурий бино қуриш».**

**Буюртмачининг бошланғич нархи:** — 2 365 598 110 сўм ҚҚС билан.
— 1 971 331 750 сўм ҚҚСсиз.
**Қурилиш муддати** — пудрат шартномаси тузилгандан бошлаб 1 йил.
Қурилиш Ўзбекистон Республикаси бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.
**Буюртмачи** — Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси.
**Танлов савдолари ташкилотчиси** — Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Танлов савдоларида иштирок этадиган ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларга ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларга, етарли касбий ва техникавий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала-ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибали ҳамда ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида иштирок этувчи маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотларининг танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий пудратчиларга қуйидаги баҳолаш имтиёзлари кўзда тутилади: иштирокчиларнинг тижорат таклифларини тенг шартларга келтириш мақсадида қонун ҳужжатларига мувофиқ, қўшилган қиймат солиғидан озод этиладиган импорт қилувчилар, импорт товарлар етказиб бериш (ишларни бажариш, хизматлар кўрсатиш)даги тендер таклифлари иштирокчиларининг тендер таклифларини баҳолашда кўрсатилган солиқ суммасини қўшган ҳолда ҳисобланади.

Танлов савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун сўровнома билан танлов савдолари ташкилотчиси — Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятининг қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш мумкин:

**Тошкент шаҳри, Абай кўчаси, 6-уй. Телефон: (8-371) 244-07-65. Факс: 244-12-17.**

*Бир тўплам ҳужжатларнинг нархи — 200 000 ( икки юз минг) сўм.*

Таклифлар (оферталар) танлов савдолари ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.
Таклифлар (оферталар)ни танлов савдолари ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

380R/1727

**Танлов савдолари бу ҳақдаги дастлабки эълон матбуотда чоп этилган кун — 13 апрелдан бошлаб 30 кундан кейин Тошкент шаҳри, Я. Ғуломов кўчаси, 66-уйда ўтказилади.**

# ТАРИХ БИЛИМДОНЛАРИ БАҲСИ

***Самарқандда “Аждодлар мероси — келажак пойдевори” республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.***

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати ва Халқ таълими вазирлиги ҳамкорлигида ташкил этилган ушбу тадбирда танловнинг туман ва шаҳар босқичлари ғолиблари

## Танлов

Ватанимиз тарихи, миллий анъана ва қадриятларимиз борасида қандай билимга эга эканликларини намойиш этдилар.

Ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, Самарқанд туманидаги 18-умумтаълим мактабининг “Амир Темур” жамоаси биринчи ўринга лойиқ кўрилди.

**А. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ОБ-ҲАВО (17 апрель)



**Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти.** Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 6-11, кундузи 17-22 даража иссиқ бўлади.

**Бухоро ва Навоий вилоятлари.** Ёғингарчилик кузатилмайди. Тунда 6-11. кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

**Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради. Ёғингарчилик бўлмайди. Кечаси 6-11 даража, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент вилояти.** Ёғингарчилик бўлмайди. Ҳарорат тунда 6-11 даража, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

**Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари.** Ҳаво ўзгариб туради. Ёғингарчилик кузатилмайди. Кечаси 10-15 даража, кундузи 22-27 даража иссиқ бўлади.

**Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари.** Ёғингарчилик бўлмайди. Тунда 6-11, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

**Тошкент шаҳри.** Ҳаво булутли бўлади, ёғингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат кечаси 6-11 даража, кундузи 18-23 даража иссиқ бўлади.

**«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.**

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 303. 53486 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Девонхона 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*
ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

т -Тижорат материали

· МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — О. Файзиев.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.30 Топширилди — 22.50 1 2 3 4 5